

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2022-2
Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года

Хива-2022

Исмоилова Х. Бадий адабиётда исломий кадрятлар ва аёллар образи	385
Мамажонов А., Дадабаева Ш. Тилда қиёслаш муносабатининг суперсинтактик бутунлик орқали ифодаланиши	387
Мусирманова Ш. Ҳарбий терминларнинг сўзлардан фарқи	391
Муҳаммаджонова Г. Бадий адабиётда санъаткор аёл образи	393
Назарова Г.А. Инглиз тилининг ривожланишида ўзлашган сўзларнинг ўрни	395
Нуманов Ш.К. Лингвистические механизмы конструкции прямой речи	398
Пулатова У.С. Ошибки и трудности при переводе юридических текстов	400
Расулова З. Сехрли эртақларда тилсим	402
Рихсиева Л.А. Инглиз ва ўзбек тилларида геология соҳасидаги терминларнинг тематик таснифланиши	404
Сабирова Г.Б. Основные принципы лингвокультурологических концепций в лингвистике	407
Сапаева Р.Б. Ўзбек ва немис тилларида фразеологизмлар мувофиқлик даражалари ва омиллари	410
Сафарова З.Т. Ч. Диккенснинг “Дэвид Копперфильд” асарида “Тарбия романлари” га хос хусусиятлар тахлили	413
Суннатиллаев К.Н. Қашқадарё вилояти никоҳ тўй маросими ва унинг тарбиявий аҳамияти	416
Тожибоева М.Р. Алишер Навоий асарларининг ўзбек тили ривожига қўшган хиссаси	419
Халлиев Ж. Огаҳий тарихий асарларида диний-маърифий лексиканинг асосий мавзу гуруҳлари	422
Худайбердиева Л.С. Учебно-англо-русский вокабуляр для чтения литературы по специальности как средство отбора и систематизации фармацевтической терминологии	424
Эрназарова Н.Х. Интернет матнлари таржимасининг ўзига хос хусусиятлари	425
КИМЁ ФАНЛАРИ	
Ҳайдарова Д.Р. Оловли ўт (<i>Phlomoïdes nuda</i>) ўсимлигининг кимёвий таркиби ва айрим жигар касалликларида фойдаланиш	428
ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
Abdurakhmonov M., Tilavov D. Communicative language teaching and its influence on students' progress	430
Abdusalilova D.N. Boshlang'ich sinflarda o'zbek tili darslarida didaktik o'yinlardan foydalanishning ahamiyati	432
Alimbayeva Sh.A., Khusamiddinova M.M. Development of linguistic competences in students of higher educational institutions	434
Axmedova A.A. O'simliklar haqidagi rus topishmoqlarida metaforaning o'rni	437
Azimbaeva R.Yu. innovative methods in teaching English language as an ESP at non-philological establishments	439
Berdiyeva M.X. Developing student's creative activity based on an integrative approach	441
Isroilov Sh.Sh. Sport to'garaklarining ijtimoiy ahamiyati	443
Karimova G.M. O'quvchilarda ekologik-estetik yondashuv asosida badiiy tafakkurini rivojlantirish texnologiyasi	444
Khakimova M.U., Zayniddinova Z.I. Creative pedagogical technologies in preschool education	446
Narziyeva I.Z. Siyosiy tilning o'zgarishi: stilistik asosda o'rganish	448
Nematova Z.T. Diagnostic assessment in language teaching and learning	450
Nematova G.A., Jurayev T.A. Pedagogical conditions for the formation of socio-cultural competence of students	451
Odinaeva N. Teaching english complex vocabulary using flashcards	454
O'sarova N.Ya., Ismailova H.I., Soliyeva M.N. Teaching English productive skills through context approach	456
Razakova M.T. Modern teaching of foreign languages using a communicative approach	459
Sanoyeva M. 8-sinf o'quvchilarini matn yaratishga o'rgatishda metodik tavsiyalar	460
Suyarova Z.Sh. Development of modern methodology of teaching English	462
Tadjiyeva S.U., Shadiyev A.X. O'quv ekskursiyasi - turizmni o'qitishning innovatsion usuli sifatida	465
Xusanova M.M. The most effective methods and technologies for teaching English	468
Ахмедова М.Э. Олий филологик таълимда ўқув топшириқларидан фойдаланишнинг лингвометодик ва дидактик хусусиятлари	470
Исроилов Ш.Ш. Спорт ўйинларида “ўнақайлар ва чапақайлар” ёки амбидекстр бўлиш афзалми?	472
Пирназаров Ф.Н. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросда ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш доир қарашлари	473
Раджабова Л.У. Методические приемы используемые на начальном этапе обучения русскому языку ..	476
Рахимбаева М.Р. Актуальные проблемы и пути их решения при подготовке специалистов в национальных ВУЗах Республики	479
Суюнов О.Ж. Социальные представления об уверенном поведении у студентов	480
Ҳолиқова Н., Нишонов М. “Бир атомли спиртлар” мавзуси лабораториясига “Бумеранг” технологиясини қўллаш	483
Эргашева Ю.О. Педагогика - бу санъат	485

“катта” сўзининг семантикасига уйғун келади. Ўша сўз мажозийлашиб, рамзий маънолар касб этиб бахтли сўзининг маъноси билан тенглашиши билан ҳозирги ўзбек тилида кенг миқёсда қўлланади. Қиёсласак, ҳар икки тилда оқ ранг номи билан бир қанча тургун қўшилмалар борки, буларда оқ сўзи турли маъноларда ишлатилади: *weiße Kohle, jemand ist ein weißer Rabe, keine weiße Weste haben, weiß wie die Wand* ва шу қабилир.

Кўринадики, ўзбек ва немис тилларидаги ибораларнинг қиёсий антропоцентриқ тадқиқи ҳар иккала халқ тили ва тафаккурини қиёсий ўрганишда муҳим соҳа саналади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Зоривчак Р. П. Фразеология писателя как проблема перевода (на материале переводов поэтических произведений Т.Г.Шевченко на английский язык): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Киев, 1976.
2. Саломов Г. Лексико-фразеологические вопросы художественного перевода. (Принципы перевода пословиц, поговорок идиом с русского на узбекский язык): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1964.
3. Саломов Г. Рус тилидан ўзбек тилига мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир.– Тошкент: Ўзбекситон Фанлар академияси нашриёти, 1961.
4. Иванова, О. П. Русские наречные фразеологизмы и их соответствия в английском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Новосибирск, 1979.
5. Арсентьева Е.Ф. Сопоставительный анализ фразеологических единиц – Казань. 1989.
6. Талабов Т.С. Сопоставительный анализ фразеологических единиц таджикского и немецкого языков (на материале повести С.Айни «Смерть ростовщика») дис. ... канд. филол. наук: Душанбе, 2015.
7. Добровольский О.Д. Беседы о немецком слове. – М.: Языки славянской культуры, 2003.
8. https://de.wiktionary.org/wiki/aus_einer_M%C3%BCcke_einen_Elefanten_machen
9. Гафарова К.Т. Сопоставительный анализ фразеологических единиц с зоонимами и фитонимами в таджикском, немецком и русском языках: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2007.
10. Иброҳимов Н. ва бошқалар. Ал-комус. Арабча-ўзбекча комусий луғат. II жилд.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи, 2017.
11. Жешко В.П. Цветообозначения в современном немецком языке как объект исследования в этнолингвистике // Электронный ресурс Интернет: <http://ebooks.grsu.by/philologos/zhesko-v-p-tsvetooboznacheniya-v-sovremennom-nemetskom-yazyke-kak-ob-ekt-issledovaniya-v-etnolingvistike.htm>.
12. Зольникова Ю. В. Цветовые фразеологизмы как фрагмент идиоматической картины мира русского и немецкого языков (на материале лексикографических источников: – Тюмень, 2010.
13. Зольникова Ю. В. Русские и немецкие пословицы как лингвокультурологические единицы (на материале русского концепта «СВЕТ» и немецкого концепта «LICHT») // Лексические и грамматические категории в свете типологии языков и лингвокультурологии: материалы Всероссийской науч. конф. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2007.
14. Юлдашев Д. Т. Атокли отларнинг антропоцентриқ тадқиқи. Филол. фанлари док-ри (DSc) дисс... Тошкент, 2021.
15. Глашев А.А. Слово кара / ҳара и его значения в хазарском языке // Российская тюркология, №1. 2013.
16. Гафуров А. Имя и история. –М.: Наука, 1987.
17. Ҳаққулов И. Қора ранг – муборак ранг // Муаллифнинг “Занжирбанд шер қошида” китоби. – Тошкент, 1989. ; Очил С. Орзулар кўкидаги шафаклар. – Тошкент, 1993.; Иброҳим Ҳаққул. Қора ранг ҳақида // <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/ibrohim-haqqul-yana-qora-rang-talqini-haqida.html>
18. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Красная_горка_\(праздник\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Красная_горка_(праздник))
19. Русча-ўзбекча луғат. Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1983.
20. https://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_wingwords/164/Белая
21. Cabarova A.Q. Müxtəlif sistemli dillərdə rəng adlarının semantik-struktur xüsusiyyətləri (alman və Azərbaycan dillərinin materialları əsasında) Filologiya üzrə fəlsəfə doktoru elmi dərəcəsi almaq üçün təqdim olunmuş dissertasiyanın avtoreferatı, Bakı – 2015.

УЎК 808.3

Ч. ДИККЕНСНИНГ “ДЭВИД КОППЕРФИЛЬД” АСАРИДА “ТАРБИЯ РОМАНЛАРИ” ГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

З.Т. Сафарова, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро

Аннотация. Инглиз адабиётининг буюк ёзувчиси Чарльз Диккенс етим болалар ҳаёти ва кечинмаларини тасвирлайдиган асарлари билан машҳур. Ушбу мақолада муаллифнинг “Дэвид Копперфильд” асаридаги тарбия романлари элементлари тасвири таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Чарльз Диккенс, роман, етим, етимлик, тарбия романлари, автобиография, бош қаҳрамон.

Аннотация. Великий писатель английской литературы Чарльз Диккенс известен своими произведениями, описывающими жизнь и переживания детей-сирот. В данной статье анализируется изображение элементов воспитательных романов в его известном произведении “Дэвид Копперфильд”.

Ключевые слова: Чарльз Диккенс, роман, сирота, сиротства, воспитательный роман, автобиография, главный герой.

Abstract. *The great writer of English literature Charles Dickens is well-known for his works describing the life and experiences of orphan children. The following article analyses the depiction of the elements of Bildungsroman novels in authors' masterpiece "David Copperfield".*

Key words: *Charles Dickens, novel, orphan, orphan hood, Bildungsroman, autobiography, main hero.*

Атоқли инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенснинг “Дэвид Копперфильд” асари таржимаи ҳол тарзида ёзилган бўлиб, адиб унда ўз даврининг ижтимоий зиддиятларини бош қаҳрамон ҳаёти ҳамда унинг орзу-умидлари мисолида маҳорат билан ёритиб берган. Ёзувчи ижодига мансуб бошқа кўпгина романлари сингари бу асар ҳам етимлик мавзусини четлаб ўтмаган. Ушбу мақола асардаги етимлик ва етим образнинг ички кечинмалари тасвирини ҳамда унда мавжуд бўлган тарбия романларига хос хусусиятларни таҳлилга тортади.

Маълумки, тарбия романлари (bildungsroman) бош қаҳрамоннинг ёш болалик давридан то вояга етиб жамиятда ўз ўрнини топгунигача, яъни мустақил шахс сифатида шаклланишигача бўлган ҳаёт йўлини акс эттиради. Бундай усулда ёзилган энг машҳур инглиз романлари сифатида Ч.Диккенснинг “Катта умидлар”, Г.Фильдингнинг “Том Жонс топилдиқ тарихи”, Ш.Бронтенинг “Жейн Эйр”, Ж.Жойснинг “Мусаввирнинг ёшликдаги портрети”, Д.Г.Лоуренснинг “Ўғиллар ва Жазманлар” [9,4] каби дурдона асарларни санаб ўтиш мумкин. Айнан шу китоблар дунёни ўзгартирган, вақт чиғирғидан ўтган асарлардир. Улар қаторида “Дэвид Копперфильд” асарини ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўз вақтида буюк рус ёзувчилари Толстой ва Достоевский ҳам романдан каттиқ таъсирланганларини ёзишган [10]. Ҳатто, муаллифнинг ўзи бу китоб ўзининг 15 та романи ичида энг севимлиси эканлигини айтиб, Дэвиднинг бахтсизликларига-синовларига нисбатан кучли алоқадорликни ҳис қилишини, асар унинг ҳиссиётларини жунбушга келтиришини бир неча бор эътироф этган [10].

Маълумки, етим образлар ҳам оғзаки, ҳам ёзма болалар адабиётида тез-тез учраб туради [4,1]. Айниқса, қиролича Виктория ҳукмронлиги даврида Чарльз Диккенс ўз романлари орқали инглиз адабиётидаги энг машҳур етим образларни яратишга муваффақ бўлди. Бундай образларни унинг деярли барча асарларида учратиш мумкин. Уильям Мейкпис Теккерей Диккенс романларига таъриф бериб, унинг етим образлар яратишдаги “аъло қобилият” соҳиби эканлигини таъкидлаб ўтади [8].

Ўша даврда яратилган бошқа ёзувчиларнинг асарлари билан солиштирганда Диккенс романлари ҳаётнинг энг долзарб, нозик нуқталарини ёритиб берганлиги билан ажралиб туради. Фикримизни далиллаш сифатида ҳинд олими Б.П. Чаудхури (1992) Чарльз Диккенс ҳақида айтган қуйидаги жумлаларни келтириш мумкин:

Dickens has a unique position in English literature for his special form of self-expression in prose, fiction. Dickens's artistic method, his choice of material and his manner of rendering that material, is Dickens's style. [10,32] (Диккенс Инглиз бадиий адабиётида ўзига хос ифода услуби билан алоҳида ўрин эгаллайди. Диккенснинг бадиий усули, материал танлаши ва бу материални ифодалаш тарзи унинг оригинал услубини ташкил қилади.)

Асарни ўқир эмасмиз, унда адиб ҳаётида содир бўлган бир қатор реал воқеаларнинг ўз аксини топганини кўриш мумкин, аниқроқ қилиб айтганда, Дэвиднинг Мурдстоун ҳамда Гринсби омборхоналарида бошидан кечирганлари Диккенснинг Уоррен поябзал фабрикасида ўтказган кунлари билан деярли бир хил. Ягона фарқ шундаки, Диккенс отасининг ўрнида Жаноб Микобер исми ишлатилган. Дэвид ҳам ўғай отаси туфайли эрта ёшидан ишлашга мажбур бўлади ва айнан ўша қийинчиликларнинг гувоҳи бўлади. Бобур Наби айтганидек, Диккенс бешафқат кечган болалик йилларини “Дэвид Копперфильд” автобиографик романида ниҳоятда таъсирли қилиб қуйидагича тасвирлайди:

“Менинг на маслаҳатгўйим, на насиҳатгўйим, на руҳлантирувчим, на кўнгилга таскин берувчим, на менга ёрдам берувчи ва на мени қўллаб-қувватловчи одамим бўлган, умуман, мен ҳеч кимдан мурувват кутмаганман, гўё Арига кетаётгандек ёлғизланиб қолганман”. [5,187]

Диккенс мазкур асарда нафақат етим болаларнинг машаққатли ҳаётини, балки, ўша даврдаги таълим, ижтимоий ишчи қатлам ва камбағаллик масалаларини ҳам муваффақиятли ёритишга эришди. Таҳлиллар шунини кўрсатадики, Диккенснинг “Оливер Твист”, “Катта Орзулар” ҳамда “Дэвид Копперфильд” асарларидаги бош қаҳрамонлар шаклланиши ва воқеалар ривожидида муштаракликлар мавжуд. Бу протогонистларнинг барчаси ё жамиятнинг ё атрофларидаги одамларнинг адоласиз муносабатларига гувоҳ бўлишади. Шундай бўлса-да, улар ҳаётлари давомида узок қариндошларидан, баъзида ҳатто мутлақо бегона кишилардан кутилмаган кўмак олишади. Ёзувчи бу билан жамият бутунлай разолатга ботмагани, меҳрибон ва инсофли одамлар ҳам мавжудлигини кўрсатиб беради. Ўз асарлари орқали адиб жамият вакиллари қалбида инсонпарварлик руҳини уйғотишни ният қилади, уларни тарбиялай олишига ишонади. Виржиния Вулф Диккенс романларига қуйидагича таъриф беради: *“Диккенсни ўқиганимизда руҳий жиҳатдан ўзимизни яна қайта поклангандек бўламиз. У аниқ ва муқаррар бўлмаган, деталларда учрамайдиган қаҳрамонларни яратди, лекин унинг ёввойи қалами ажабтовур, ўзига хос образларни кашф этдики, уларни илғамасликнинг шложи йўқ эди”* [5,188].

Дарҳақиқат, Ч.Диккенснинг тарбия романлари дидактик хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг маънавий-ахлоқий шаклланишига таъсир этувчи жамиятнинг конструктив ва деструктив механизмларини очиш имконини беради [6,5].

Гарчи Дэвид Копперфильд асари бош қаҳрамони Дэвиднинг отаси у туғилганидан олти ой ўтиб вафот этган бўлса-да, Оливер ва Пипдан фарқли ўлароқ у болалик даврини онаси билан бахтли ўтказди, аммо, Дэвид етти ёшга тўлганида онаси ёвуз ва жоҳил одамга турмушга чиқади ва бу бахтли кунлар якун топади. Шундан сўнг, қийинчиликлар гирдобидида қолган қаҳрамон бутун ҳаётини *жамиятда ўз ўрнини топиш* учун курашиб ўтказди [7,221]. Бу кураш тарбия романларининг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Етимлик ҳақидаги бошқа романлар сингари Дэвид ҳам ўғай отасининг золимлигидан азият чекади. Жаноб Мурдстоуннинг шавқатсиз муносабати тасвири келтирилган кўйидаги мисраларда ўғай отанинг қанчалик раҳмсиз эканлигини кўриш мумкин:

I caught the hand with which he held me in my mouth, between my teeth, and bit it through. It sets my teeth on edge to think of it. He beat me then, as if he would have beaten me to death. Above all the noise we made, I heard them running up the stairs, and crying out -I heard my mother crying out -and Peggotty. [3,45]

Бечора болани қаттиқ калтаклаб бўлгач, уни аянчли аҳволда қолдириб, хонани кулфлаб чиқиб кетади. Ёзувчи бу изтиробларни шундай моҳирлик билан тасвирлайдики, воқеалар китобхон кўз олдида жонлангандек бўлади:

Then he was gone; and the door was locked outside; and I was lying, fevered and hot, and torn, and sore, and raging in my puny way, upon the floor. [3,45] (Кейин у кетди; эшикни ташқаридан кулфланган эди; Мен эса иситмадан титраётган, жароҳатлари зиркираётган ҳолда полда ётардим.)

Бош қаҳрамон тўққиз ёшга тўлганида онасидан ҳам ажралиб, бутунлай етим бўлиб қолгач, қийинчиликлар янада кучаяди. Шу даврдан бошлаб, Дэвиднинг нақадар ёлғиз ва ҳимояга муҳтож эканлигини ҳис қилиш мумкин. Ўғай отанинг зулми кундан-кунга ошиб борар, бола ўзини гўё бутун оламда ёлғиздек ҳис қиларди. Жаноб Мурдстоун меҳр-шавқат нималигини билмай, уни оғир меҳнатлар қилишга мажбур қилади. Кўйидаги парчадан кўриниб турибдики, ўғай отаси Дэвидни ўқитиш ўрнига уни пул топиб келишга мажбур қилган:

You have received some considerable education already. Education is costly; and even if it were not, and I could afford it, I am of opinion that it would not be at all advantageous to you be kept at a school. That is before you, is a fight with the world; and the sooner you begin it, the better [3,134]. (Сен аллақачон етарли таълимни олиб бўлдинг. Таълим олиш анча қиммат; нима бўлганда ҳам сени ўқитишга қурбим етмайди, ўйлашимча сени мактабда қолдиришнинг ҳеч қандай афзаллиги йўқ. Олдинда бу дунё билан кураш турибди, ва уни қанча тез бошласанг шунча яхши.) Ўғай ўғлидан шу баҳона билан қутулишни истаган жаноб Мурдстоун Дэвидни Мурдстоун ва Гринсби омборхоналарига ишлашга юборади. Бироқ, доимий оч бўлишига қарамай хўжайинлари томонидан қаттиқ меҳнат қилишга мажбурланган бола, қочиш йўлини қидиришга тушади. Айтиш жоизки, адиб ёшлигида иш излаб юрган кезлари Лондон кўчаларида ўзи гувоҳ бўлган ноҳақликларни омборхоналардаги ҳаёт мисолида тасвирлаб берган. Ниҳоят, Дэвид ўз ҳаёт йўли, ўз тақдирини излаб, бу золим макондан қочиш кетади. Қочқинлик даври эса асарда тарбия романларига оид яна бир хусусият мавжудлигини кўрсатиб беради.

Асарнинг кейинги воқеалари Дэвидга маълум ягона қариндоши, отаси томонидан катта аммаси, меҳрибон ва раҳмдил Бетси Тротвуд билан боғлиқ. Аммаси билан бир неча йилни хотиржамликда ўтказган Дэвид унинг қўллаб-қувватлаши билан яхшироқ мактабда ўқийди ва сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлади. Асар сўнгида қийинчиликларни енгиб ўтган қаҳрамон севган инсони билан оила қуриб, ёзувчилик соҳасида муваффақият қозонади ва ўз бахтини топади.

Тахлиллардан келиб чиқиб, “Дэвид Копперфильд”ни Чарльз Диккенснинг “Катта умидлар” асари сингари яна бир муваффақиятли “Тарбия романи” (Bildungsroman) деб хулоса қилиш мумкин. Бу турга мансуб бошқа романларда бўлгани сингари, “Дэвид Копперфильд” асарида ҳам бош қаҳрамон қийинчилик ва ноҳақликларга қарамай, ўзлигини, софдил қалбини йўқотиб қўймайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ahronqulov A, Rahmonqulov A. Jahon bolalar adabiyoti namoyondalari. – Farg’ona, 2012. – Б.92.
2. Холбеков М.Н. Инглиз адабиёти классикалари. Био-библиографик қўлланма.-Жиззах: ЖДПИ,2014,-88 б.
3. Charles Dickens. David Copperfield. – Москва, 1949. Р. 847
4. Бобур Наби. Диккенснинг иқрори. Жаҳон адабиёти журнали, 2013, №2.
5. Махмудова Н.А. Чарльз Диккенс ижодида тарбия романи жанри типологияси: Филол. Фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. Автореф. – Тошкент, 2020.
6. Safarova Z.T. Depiction of orphan hero in Great Expectations. Monographia poconferencyjna: Science, Research, development # 33 Paris, French 30.09.2020
7. Safarova Z.T. Analysis of orphan images and orphanhood in children’s literature. Бухоро давлат университети илмий ахбороти, 2020- йил 6-сон
8. Simhachalam Thamarana. Origin and Development of Bildungsroman Novels in English Literature. International journal of English Language, Literature and Humanities, Volume III, Issue VI, August 2015 – ISSN 2321-7065
9. Ali Albashir Mohammed Alhaj. Charles Dickens’s David Copperfield: New Critical Reconsiderations. English Language and Literature Studies; Vol. 5, No. 4; 2015, ISSN 1925-4768 E-ISSN 1925-4776